

## Ота-онамнинг никоҳлари

13:06 / 11.07.2019 2936

*Ассалому алайкум! Мен бу саволимга жавоб олишдан анчадан бери қўрқиб юрардим лекин бермасам бўлмайди. Ота онам отинг ўчгур совет пайти турмуш қуришганда улар яшайдиган худудта деярли ҳамма инсонлар фақат загдан ўтишган эканлар. Яъни шаръий никоҳдан эса йўқ, ҳатто улар буни билишмаган ҳам. Аллоҳ қодир қилиб намоз ўқишни бошлаганимдан кейин секин секинлик билан оила азоларим ҳам Аллоҳни хидояти ила намоз қўишяпти. Аллоҳга шукр хозир ҳаммамиз ўқиймиз. Бизнинг динимиздаги ҳукмимиз қандай? Менимча узингиз нмани сўрамоқчилигимни тушундингиз, ёзишга қўлларим бормади.*

### **«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:**

- Ва алайкум ассалом! У пайтларда ЗАГС қилувчилар домлалардан қайси сўзларни айтса никоҳ боғланишини сўрашар экан. Умид қиламиз ота-онангизни ЗАГСдан ўтказган ҳам сўраган бўлса керак. Эҳтиётан никоҳларини янгилатиб олишса, яхши бўлади.Валлоҳу аълам!